

АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИ ХИЛЛАРИ КЛИНТОННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Хиллари Клинтон 2011 йил 22-23 октябрь кунлари амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақамлаш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Ахборот технологиялари истиқболи

бошқарувда очиқлик ва ошкораликни таъминлашнинг муҳим шарти

Семинар

Ўз мухбиримиз, Носир ХАЙДАРОВ олган суратлар.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масалалари ислохотлар умумий стратегиясининг муҳим таркибий қисми сифатида белгилаб берилган.

Шу маънода бошқарувда очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлашда фуқаролар ҳамда давлат бошқаруви органлари ўртасида ахборот алмашинувини жадаллаштириш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид қабул қилинган ҳукумат қарорларининг бажарилишини назорат қилиш жараёнида жамоатчиликнинг фаол иштирок этишига ёрдам берадиган «электрон ҳукумат»ни жорий этиш масалаларига ўз сайловолди дастурида кенг ўрин ажратган Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг бу борада кўтариб чиқаётган гоя ва ташаббуслари ҳам амалий аҳамиятга эга бўлмоқда.

Фракция йиғилиши

Илёс САХАТОВ, «Адолат» мухбири, Носир ХАЙДАРОВ олган суратлар.

Юртбошимизнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси мамлакатимизда демократик тараққиётнинг янги босқичини бошлаб бериш баробарида қонун ижодкорлари олдида катта масъулият ва вазифалар кўйди. Мазкур Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар ижросидан келиб чиқиб, бугун куйи палата депутатлари фаол ишга киришишган. Олий Мажлис куйи палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси муҳокама-масига киритилаётган қонун лойиҳаларининг биринчи ўқишда ҳавола этилаётгани ва уларнинг Концепция талабларидан келиб чиқиб, тайёрланганлиги бунинг тасдиғидир.



Фракция қонун лойиҳаларини маъқуллади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида ҳам бир қатор янги қонун лойиҳалари муҳокама этилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, фракция аъзолари, вазирлик ва идоралар

вакиллари, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Йиғилишда дастлаб, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда фракция аъзолари муҳокамага ҳавола этилди.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси С.Исмоилов мазкур қонун лойиҳаси мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясининг устувор йўналишларини демократик бозор ислохотлари-

ни чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштириш соҳасида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурига мувофиқ ишлаб чиқилганлигини таъкидлаб ўтди.

Давоми 2-бетда



Ташаббусни қўлдан бермайлик

инвестицион технологиялардан модернизациялашган юксак даражадаги саноат корхонасини яратган тадбиркор Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурий гоялари иқтисодий ислохотлар жараёнида қанчалик афзаллигини амалда исботламоқда

Партиядошларимиз

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, «Адолат» мухбири.

Бу гапларнинг сира муболағаси йўқ. Самарқанд вилоятининг Чўпонота мавзеида жойлашган «Сам-Антелгилам» қўшма корхонаси, аниқроғи унинг маҳсулотларини бугун Европа бозори тан олмоқда. Халқаро савдо кўргазмаларида Самарқанд рамзи туширилган гиламлар энг кўп харидорларни жамлаб, юқори совринларга сазовор бўлмоқда. Бу эса корхона салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган янги-янги экспорт шартномалари тузишга замин яратмоқда.

Давоми 5-бетда

Тил — миллат қалби

Таҳририятдан.

Тил миллатнинг қалби, аجدодлардан мерос буюк хазина, авлодларни авлодларга, тарихий ривожланиш босқичларини бир-бирига боғловчи маънавий кўприк ҳисобланади. Ҳар қандай тилда у монсуб бўлган халқнинг маънавияти, руҳий олами, ақлидроки, орзу-умидлари, юксак инсоний фазилатлари ўз ифодасини топади. Дунёда уч мингдан ортиқ тил бор, уларнинг ҳаммасини ўзлаштириш қийин. Аммо тилнинг мўъжизавий қудрати шундаки, киши ўзи учун мутлақо бегона тилдаги сўзлашувни ёхуд кўшиқни тинглаганда, шу миллат ҳақида маълум тасаввурга эга бўлади.



Биргина мисол. Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиевнинг мумтоз кўшиқларини хорижликлар ҳам жуда катта эътибор билан, таъбир жоиз бўлса — жон қулоқлари билан тинглашади. Улар, табиийки, ўзбек тилини билишмайди, аммо бизнинг асрлар ва минг йилликлар синовида дош бериб келаётган, ўтмиш тарихимизнинг ҳар бир саҳифасига

гувоҳ ва сирдош оҳанглари-миздан, пурмаъно сўзларимиз ифодасидан улар жуда кўп ахборот олишади. Мумтоз кўшиқларимизда халқимиз босиб ўтган катта тарихий йўл, жангду жадаллар, қонли босқинлар, зулм ва истибод азоби, ёруғ ва адолатли кунларга умид, келажакка ишонч бор.

Давоми 7-бетда



Давоми 3-бетда

Долзарб вазифалар ижроси таъминланади

— Бугун вилоят партия ташкилотимиз ўз фаолиятини Президентимиз томонидан Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдир этилган Концепциядаги устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон «Адолат» СДП қабул қилган Ҳаракат дастури доирасида янада жадаллаштирмоқда. Концепцияга асосан амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг янги босқичида партиянинг келгусидаги мақсад, вазифаларини аниқ белгилаш, янги-янги ланишларга ҳамроҳанг тарзда партия фаоллари ва кадрлари малакасини мунтазам ошириб бориш устувор вазифалардан саналади.

3-бет

«Мадад»нинг бухоролик ёшларга мадади

— Истиқлол телеканали орқали «Мадад» оилани ижтимоий ҳимоялаш маркази ҳақидаги видеороликни кўриб, менда марказда таълим олиш истағи уйғонганди, — дейди курс иштирокчиси Мастура Рамазонова. — Маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари бу ерда таълим олиш учун бир қатор аёллар қатори менинг ҳам номзодимни тавсия қилишганини айтишди. Тўғриси, бу хабарни эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Ҳеч қандай тўловсиз бир хунарнинг эгаси бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди, ахир бу имкониятдан унумли фойдаланиб, марказнинг уста тикувчиси Наргиза Шариповадан тикувчилик сир-асрорларини ўргандим. Ўқув якунида гувоҳнома беришди. Энди бемалол ўз касбим сирларини ёшларга ўргатиш, тикув цехи очили ҳуқуқига эгаман...

6-бет

Гулларга бурканган шахрим



Ер юзининг сайқали дея тариф берилган Самарқанд ўзининг бетакрор обидалари, ривожланган саноат ва коммуникация тармоқлари, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмалар, бой меҳнат ресурслари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Истиқлол йилларида Мухтарам Юртбошимиз раҳнамолигида республикамизнинг барча жабҳаларида бўлгани каби бугун Самарқанд шаҳри ҳам янгича тароват касб этди...

8-бет

Фаолият

Фракция қонун лойиҳаларини маъқуллади

«Давоми. Бошқ 1-бетда»

Қонуннинг мақсади иқтисодийнинг турли соҳаларида оилавий тадбиркорликни кичик бизнеснинг муҳим шакли сифатида ривожлантириш учун зарур қонунчилик базасини яратиш, оилавий бизнес учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш ва янги иш жойларининг ташкил этилишига ҳуқуқий замин яратиш ҳисобланади.

Қонун лойиҳаси оилавий корхоналар деб аталадиган

нес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда депутатлар томонидан қизғин муҳокама этилди.

Қонун лойиҳаси юзасидан биринчи ўқишда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Р.Собиржанов маъруза қилиб, қонуннинг айрим моддаларига киритилаётган

Республикаси иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга мувофиқлаштириш, шунингдек, ИКАО комиссиясининг 2008 йил июль ойида Ўзбекистон Республикаси аудитдан ўтказгани натижалари бўйича тавсияларини баъжариш мақсадида киритилмоқда.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида депутатлар томонидан айрим камчиликлар юзасидан эътирозлар билдирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси-



хўжалик фаолиятининг янги ташкилий-ҳуқуқий шаклини жорий этиш ва уларнинг фаолият соҳаларини белгилашга, оилавий корхона иштирокчиларини аниқ таърифлашга, оилавий корхоналарни рўйхатга олиш ва бекор қилишнинг аниқ механизмининг белгилашга, оилавий корхонанинг инфратузилмага улашиш, боғланиш, фойдаланиш механизмининг соддалаштиришга, уларнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартибини соддалаштиришга қаратилгандир.

Шунингдек, қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини амалга ошириш, оилавий тадбиркорлик соҳасида, айниқса, қишлоқ жойларида барқарор янги иш жойларини ташкил этиш ҳисобига, ҳозирги вақтда норасмий секторда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ишчи кучларни, шу жумладан, меҳнат шартномаси расмийлаштирилмасдан тадбиркорларга ёрдам бераётган оила аъзоларини расмий бандлик соҳасига босқичма-босқич жалб этишни таъминлайди.

Муҳокама жараёнида фракция аъзолари электрот манфаатларидан келиб чиқиб, мазкур қонун лойиҳасида оилавий тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган шахсларнинг манфаатлари янада тўлароқ ифодалангани лозимлиги, тадбиркорликнинг асосий мезонларидан бири бўлган манфаатдорлик қанчалик юқори бўлса оилавий тадбиркорлик ривож топиши мумкинлигини, шу нуктаи назардан мазкур қонун лойиҳасида оилавий тадбиркорлик субъектларининг манфаатлари ҳамда ижтимоий ҳуқуқ ва мажбуриятлари янада аниқ акс этиши лозимлигини таъкидладилар.

Фракция аъзолари социал-демократия ғояларида оилавий кадрларнинг юқори ўринга қўйилиши ҳамда мазкур қонун лойиҳаси «Адолат» СДПнинг сайловолди платформасига тўла мос келишини эътироф этган ҳолда уни концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватладилар.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ҳамда «Кичик биз-

таҳририй, таркибий ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида йиғилиш қатнашчиларига ахборот берди.

Қонун лойиҳасининг асосий мақсади тадбиркорлик ривожланишини янада рағбатлантириш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун кўпроқ эркинлик бериш ҳамда уларни ташкил этиш механизмларини соддалаштиришдан иборат.

— Лойиҳа тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мурожаатларини кўриб чиқиш кафолатларига оид моддани қамраб олган, — деди маърузачи. — Мазкур норманинг лойиҳага киритилиши тадбиркорлик субъектларини, давлат органларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Шунингдек, лойиҳада кичик тадбиркорлик субъектлари сирасига оилавий корхоналар ҳам киритилиши назарда тутилмоқда. Ушбу янгиллик бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш зарурати назарда тутилганлиги сабабли киритилмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти субъектини давлат рўйхатидан ўтказишнинг Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибининг бузилиши, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги Қонун ҳужжатларининг бошқа бузилишларидан айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозимлиги ҳақидаги норма қонун лойиҳасида ўз аксини топган.

Депутатларнинг аниқлаштирувчи саволлари ва муҳокама-лардан сўнг қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Қонун тартибидеги «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси»га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган кейинги ўтилган босқични ҳисобга олган ҳолда, солиқ маслаҳати соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш тизимини янада ривожлантириш, такомиллаштиришдан иборат.

Муҳокама жараёнида депутатлар томонидан билдирилган тақлиф ва мулоҳазалардан сўнг қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, йиғилишда кун тартибига киритилган бошқа масалалар ҳам фракция аъзолари томонидан кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тақлиф ва тавсиялар асосида тегишли қарорлар қабул қилинди ва фракциянинг нуктаи назари белгилаб олинди.

Партия фаоллари диққатига!

Сирожиддин РАУПОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сиёсий Кенгаши раиси
ўринбосари.



Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири бўлган сиёсий партияларнинг ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси бу жараёнда янада муҳим аҳамият касб этиб, юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби сиёсий партиялар фаолиятида ҳам янги босқични бошлаб берди. Жумладан, Концепцияга мувофиқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонун сиёсий партияларнинг ваколатини янада кенгайтди. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, моҳиятан кенг қўламли бўлган ушбу муҳим жараён юртимиздаги мавжуд сиёсий партиялар, шу жумладан, «Адолат» социал-демократик партияси учун ҳам, таъбир жоиз бўлса, навбатдаги қатъий сиёсий доирани бошлаб бермоқда.

Кези келганда айтиш лозимки, ана шу ўтган давр мобайнида партияимиз фаолиятида сезиларли даражада фатволик олиб бориб, бу жиҳат партиянинг барча тармоқларини қамраб олувчи аниқ йўналтирилган ташкилий-партиявий ишларида, ички тартибнинг мустаҳкамлини, партия кадрлари ва депутатлик корпуси масъулияти ошишида ўз аксини топмоқда. Партиянинг фаолиятида, айниқса, Концепциядаги устувор йўналишларни ҳаётга жорий этиш бўйича қабул қилинган Ҳаракат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар муҳим аҳамият касб этаётди.

Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Тезкор даврга ҳамон равишда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда рўй бераётган оламшумул ўзгаришлар партияимиз фаолиятини янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда. Бу жараёнда эса белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш кўп жиҳатдан кадрлар салоҳиятига боғлиқ бўлади. Қайд этиш жоизки, кадрлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши томонидан тегишли тадбирлар режаси тасдиқланган бўлиб, шунга мувофиқ айни пайтда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепция асосида жорий йил 14-16 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридеги Давлат ва жамият қурилиши академиясида партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия Кенгаши раислари, захирадиги номзодлар ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши раислари партия депутатлик гуруҳи раҳбарлари учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви демократлаштириш, мамлакатимизда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича махсус ўқув курслари ўтказилди.

Шунингдек, 2011 йилнинг апрель ва август ойлари оралиғида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг худудий партия таш-

Келажакка дахлдор масала

бу вазифанинг муваффақиятли амалга ошиши ҳар бир партия фаолидан ташаббускорлик, фидойилик ва айни пайтда масъулият талаб этади

кадрлар захирасини замон талаблари даражасида шакллантириш партия Сиёсий Кенгаши олдида турган асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бунинг учун эса партиянинг барча бўғиндаги раҳбарлари масалага масъулият билан ёндашган ҳолда бу жараёнда, энг аввало, фидойи, ташаббускор, замонавий дунёқараш ва билимларга эга кадрлар захирасини мунтазам равишда шакллантириб боришлари лозим. Қолаверса, замонавий билим ва кўникмалар билан қуролланган, масъулиятни ҳис қиладиган ёш кадрларни танлаш билан чегараланиб қолмасдан уларни тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур. Зеро, дастлабки тасаввур ва кўникмаларни аниқ мақсад сари йўналтириш кадрларнинг ҳар томонлама салоҳиятини юксалтиришда муҳим омил бўлади. Ўз навбатида, партия дастури, мақсад ва вазифаларини теран англаган кадрлар дадил сўй-ҳаракатлари билан партиянинг нафақат нуфузини, балки интеллектуал салоҳиятини ҳам оширади.

Амалиётдан аёнки, бирор-бир тегишли соҳа бўйича етук мутахассис-кадр шаклланишида муайян ихтисосликка йўналтирилган таълим тизими катта ўрин тутди. Дейлик, иқтисодчи, мезмор ёки санъаткор бўлишни ўз олдида мақсад қилиб олган ёшлар ана шу йўналишлар бўйича ўрта махсус ёки олий ўқув юртиларида тахсил олади ва ўзлаштирган билимлари асосида ўзи танлаган соҳанинг малакали мутахассиси бўлиб етишади. Шундан келиб чиқиб айтидиган бўлсак, партияда кадрлар захирасини шакллантиришда ҳам ана шундай мезонга сўянб иш кўрмоқ фойдаланган бўлмайди, яъни махсус партия ўқишларини мунтазам ташкил этиш керак.

Албатта, партияимиз сафини маслаҳатдош, ташаббускор ва изланувчан аъзолар билан тўлдириб бориш доимий эъти-

ҳисобга олиш зарур. Бунинг учун эса партия аъзолари билан мунтазам равишда иш олиб бориш, партия ташкилотларининг масъул ходимларини аттестация-суҳбатдан ўтказиш, ана шу таҳлилий хулосалар асосида ташкилотчи ва ташаббускор кишиларни партия раҳбар органларига сайлаш керак бўлади.


Албатта, ҳолва деган билан оғиз чучмайди. Тегишли хулоса ва тавсиялар асосида масъул лавозимларга лойиқ қўрилган номзодларнинг самалари фаолият кўрсатиши учун назорат билан чекланиб қолмасдан ҳар бир фидойи сўй-ҳаракатга ўз вақтида эътибор қаратиш лозим. Яъни, улар томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақиқатан эътирофга лойиқ бўлса, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз керак. Ана шундангина юксак эътиборни ҳис қилган партия фаоллари астойдил ҳаракат қилиб, имкониятларини янада кенгроқ намоян этиди.

Бу борада сўз юритганда партия фаолияти бошқарувини янада такомиллаштириш, турли бўғиндаги партия ташкилотлари ўртасида ўзаро ахборот алмашувини йўлга қўйиш масаласини ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз зарур. Чунки бундай ҳамкорлик кадрларнинг салоҳиятига қараб ўз ўрнини теароқ топишига, энг асосийси, кенг жамоатчилик ўртасида танилишига олиб келади.

Қайд этиш жоизки, шундан келиб чиқиб, тарғибот-ташвиқотни кучайтириш, жойлардаги партия ташкилотлари фаолиятини кенг ёритиш, ўзаро таъриба алмашишни йўлга қўйиш, аъзоларни керакли ахборот билан таъминлаш мақсадида вилоят партия кенгашилари қошида матбуот хизмати котиби лавозимини жорий этилди. Шунингдек, худудий партия ташкилотлари қошидаги матбуот хизмати фаолиятини жонлантириш, матбуот котиблари масъулиятини ошириш ва ишга янги қанчалар, ўзаро соғлом рақобат қўнимасини уйғотишга қаратилган Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашилари матбуот котиблари ўртасида «Энг яхши матбуот котиби — 2011» кўрик-танлови ўтказилди ва кўрик-танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигини арафасида диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Бундан ташқари, партия фаолиятини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва партия ишига фидойи кадрларни жалб этиш, маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, уларни худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидаги иштирокини кучайтиришга қаратилган «Партияни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш» мавзусида минтақавий семинар кенгашлар ўтказилди.

Мухтасар айтганда, малакали кадрлар захирасини шакллантириш олдимишда турган долзарб вазифалардан бири саналади. Бу вазифанинг муваффақиятли амалга ошиши юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир партия фаолидан ташаббускорлик, фидойилик ва айни пайтда масъулият талаб этади. Буни теран англаган ҳолда иш олиб борсак, партияимиз фаолиятини янги босқичга кўтариш борасидаги сўй-ҳаракатларимиз билан мамлакатимиздаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасидаги кенг қўламли ишларга ўз хиссамизни қўшган бўламиз.



монидан тақдим этилган Концепцияни янада чуқурроқ ўрганиш, унинг асосида иш услубларини янада такомиллаштириш, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини янада изчил равишда аҳолига етказиш, фаоллар партиявий фаолиятини жонлантириш масалалари кўриб чиқилди. Ушбу тадбирларда жами 1450 нафар партияимиз фаоллари иштирок этди.

Бироқ шунга қарамасдан



Ахборот технологиялари истиқболи

бошқарувда очиқлик ва ошқораликни таъминлашнинг муҳим шarti

Давом. Боши 1-бетда

Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва ҳисобдорлигини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни" мавзусидаги илмий-амалий семинарда ҳам мамлакатимизда ахборот соҳасини ислох этишнинг бугунги ҳолати яна бир бор муҳокама қилиниб, соҳа истиқболлари ҳақида атрафлича фикр алмашилди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, турли вазирлик ва идораларнинг матбуот хизмати вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, Ўзбекистон "Адолат" СДП фаоллари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, ахборот-коммуникация технологиялари салохияти давлат ва нодавлат секторлари ўртасида ўзаро муомала қилиш ва ахборот айирбошлашнинг принципиал жиҳатдан янги шакллари ва имкониятларини очди, фуқаролик жамияти барпо этилиши ва мустақамлаштиришга кўмаклашди, иқтисодий ислохотлар ва мамлакатнинг демократлаштириш жараёнини янада жадаллаштириш имконини беради.

Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш жамиятни ахборот билан кенг қўламли таъминлашнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ушбу омил давлат бошқарувининг самардорлигини жиддий равишда ошириш, давлатнинг бизнес тузил-

малари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро муносабатларини мақбуллаштириш имконини беради.

Маърузачилар ўз чиқишларида аҳолига интерфаол давлат хизматларини кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш, замонавий ахборот технологияларини рақамли телевидение, электрон ҳужжат айланиши, электрон рақамли имзолар каби замонавий хизматларнинг имкониятларини кенг ёритиб ўтдилар.

Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ ахборот соҳасидаги ислохотлар изчил ва тизимли равишда амалга ошириб келинмоқда, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Р.Гаимова. — Бугунги кунда мамлакатимизни демократик тамойиллар асосида модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг ошқоралиги ва ҳисобдорлигини таъминлашда замонавий ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва роли бекиёслигини таъкидлаб, ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида бир қатор қонунлар қабул қилиниши ҳамда соҳадagi қонунчилик изчил такомиллаштирилмоқда. Шу боис юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида оммавий ахборот воситалари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларнинг моддий-техника базасини мустақамлаш ҳамда соҳа ходимларининг меҳнати ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш устувор вазифалардан саналади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП ўз сайловолди дастурида замонавий коммуникация технологияларини фаол жорий этиш, маҳаллий телефон алоқасининг рақамли тармоқларини ривож-

лантириш, Интернет тармоғидан умумий фойдаланиш пунктлари сонини кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш каби қатор масалаларни амалга оширишнинг муҳим вазифа сифатида белгилаб қўйган. Бундан ташқари, партия ОАВни ривожлантиришда, уларни иқтисодий қўллаб-қувватлашда давлат иштирокини муҳим, деб ҳисоблайди. Булардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Концепцияда илгари сурилган соҳага доир қатор қонун лойиҳаларининг амалиётга татбиқ этилиши Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг дастурий гоғларига мосдир. Чунки сайловолди дастурида белгилаб қўйилган мақсад ва вазифалар, аъзоларимиз ва хайрихоҳларимиз хоҳиш-истакларини рўйбга чиқаришда соҳага оид қонун лойиҳаларининг амалиётга татбиқ этилиши кенг имкониятлар яратди. Шу боис партия бу таъаббусларни тўла-тўқис қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари Х.Мирзахидов мамлакатимизда интернет ва маълумотлар узатиш тармоқлари, миллий сайтлар, электрон тижорат хусусида маълумот берар экан, бугунги кунда давлат бошқарув органларининг 97 фоизи ўз веб-сайтга эга эканлиги, 2011 йилнинг учинчи чораги ҳолатига кўра, республикамизда интернетдан фойдаланувчиларнинг умумий сони 7,9 миллионни ташкил этаётганлигини қайд этди ҳамда истиқболдаги режалар ҳақида тўхталди.

Шунингдек, семинарда солиқ органлари тизимида ахборот технологияларидан фойдаланиш тажрибаси ва ундаги қулайликлар ҳамда бугунги глобаллашув жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг долзарблиги хусусида фикр алмашилди.

Долзарб вазифалар ижроси таъминланади

"Адолат" СДП: ташаббус ва тадбирлар

Ўзбекистон "Адолат" СДП Навоий вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида бугун юртимиз демократик давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил одимлаб бормоқда. Истиқлолимизнинг ўтган қисқа даври мобайнида барча соҳалорда фахрланса арзғулик ютуқ ва муваффақиятларни қўлга киритдик. Хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш борасида кенг қўламли ишлар, чўқур ислохотлар амалга оширилди. Бунинг самараси ўларок, давлат бошқаруви тизими тубдан ўзгарди, парламентнинг жамият ҳаётидаги роли ва таъсири кучайтирилди, сиёсий партияларнинг қорорлар қабул қилишдаги мавқеи ва ўрни мустақамланди.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Президентимиз томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" бу борадаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди. Концепциянинг мазмун-моҳиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини янада демократлаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш, шу орқали қонунлар усту-

ворлигини таъминлаш, фикрлар хилма-хиллигини ривожлантириш каби эзгу ниятлар мужассамдир.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Навоий вилояти Кенгашининг навбатдаги ижроия қўмитаси йўналишида мазкур эзгу мақсадларни амалга оширишда, албатта, сиёсий партиялар ролинини янада кучайтириш муҳим аҳамиятга эга, дея таъкидланди.

Ижроия қўмита аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари, партия фаоллари иштирокидаги мажлис кун тартибидоги биринчи масала юзасидан Ўзбекистон "Адолат" СДП Навоий вилояти Кенгаши раиси ўрин-

босари Н.Расулов маъруза қилди:

— Бугун вилоят партия ташкилотимиз ўз фаолиятини Президентимиз томонидан Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақлиф этилган Концепциядаги устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон "Адолат" СДП қабул қилган Ҳаракат дастури доирасида янада жадаллаштирилмоқда. Концепцияга асосан амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг янги босқичида партиянинг келгусидаги мақсад, вазифаларини аниқ белгилаш, янгиланишларга ҳамоҳанг тарзда партия фаоллари ва кадрлари малакасини мунтазам ошириб бориш устувор вазифалардан саналади. Айтиш жоизки, Ўзбекистон "Адолат" СДПда партия кадрлари ва фаолларининг ўқишини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича муайян тажриба тўпланган. Хусусан, партия Марказий аппарати ташаббуси билан партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри партия Кенгашлари фаолларининг қатор ўқишлари ташкил этилиб келинмоқда. Хусусан, партия иш режасига мувофиқ 2011 йилнинг 14-16 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Қорақал-

поғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия Кенгашлари раислари, раисликка захирадаги номзодлар ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбарлари учун Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Концепция асосида махсус ўқув курслари ўтказилди. Мазкур ўқишларда ортирилган билим ва кўникмалар асосида вилоят партия Кенгашида таркибидоги партия ташкилотлари фаоллари иштирокида қатор сиёсий ўқишлар ташкил қилиб келинмоқда.

Шунингдек, вилоят партия ижроия қўмитаси аъзолари марказий аппарат қорорлари ва топшириқларини, режа ва дастурларини ўз вақтида бажариш, хотин-қизлар ва ёшлар қанотлари фаолиятларини янада такомиллаштириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Партия нашри — "Адолат" газетасига обуна масъумида барча партия етакчилари фаолликига чақирилди. 21 октябрь — "Давлат тили ҳақида"ги қонун ва 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни муносиб қаршилаш борасида вилоят Кенгашининг барча бўғинларидаги тайёргарлик ишлари бориши муҳокама қилиниб, зарурий чоратадбирлар белгиланди.

Янги танлов

фаолиятда янги босқични бошлаб беради

Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Жамиятни янада демократлаштириш ва янгилаш борасидаги устувор вазифалар сиёсий партиялар олдида ҳам янги талабларни қўймоқда. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Бухоро вилоят кенгаши томонидан партия қурилиши масалаларини ҳал этиш, ташкилий-партиявий ишларни такомиллаштириш, партия дастури ва қабул қилинган қорорларни бажариш, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини тобора ўсиб бораётган талабларни ҳисобга олган ҳолда мувофиқлаштириш юзасидан ибратли ишлар амалга оширилди. Айниқса, партиянинг туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятини тубдан қайта қўриб чиқиш, асосий эътиборни тўғридан-тўғри одамлар билан ишлайдиган бошланғич партия ташкилотларига қаратиш ўз самарасини бермай қолмади. Нафақат аъзолар сони ошди, балки "Адолат" СДПнинг сиёсий рақобат майдонидоги ўз мавқеи мустақамланди. Шунингдек, аъзолик додаларининг ўз вақтида йўғилишини тартибга солиш партия молиявий аҳолига ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Партиянинг Бухоро вилоят кенгаши томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти ижроия органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга

оширишда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг ролинини кучайтириш мақсадида "Энг намунали бошланғич партия ташкилоти" танловининг эълон қилини-

ши ҳам амалга оширилаётган ишларнинг узвий давоми бўлди.

— Бошланғич партия ташкилотлари партиянинг таянчи, негизи ҳисобланади, — дейди партиянинг вилоят Кенгаши раиси А.Турсунов. — Шу сабабли биз уларнинг фаолиятини жонлантириш, аҳоли орасига янада чўқурроқ кириб бориш, ташкил этилаётган тадбирлар сифатини яхшилаш ҳамда БПТ аъзоларини янада ватанпарвар бўлишга қорлаш мақсадида мазкур танловни эълон қилдик. Танлов ўтказилишидан олдин туман ва шаҳар кенгаши раисларига аъзолар сонини қайтадан ҳисобга олиш ҳамда кенгашга аниқ маълумот бериш ҳақида алоҳида топшириқ бердик. Энди шаҳар ва туманларимиздаги қорхона ҳамда ташкилотларда тузилган БПТлар орасидан энг яхши, энг намуналиларини аниқлаб, тақдирламоқчимиз, бу эса фаолиятга бўлган маъсулиятни ортириб, иш самардорлигини яхшилайдди.

Маълумки, туман кенгаши раислари ўзларининг жойлардаги БПТлари ёрдамида чекка ҳудудларда партия гоғсини,

мақсадини тарғиб қилиш, қабул қилинаётган қарор ва қонунлар мазмун-моҳиятини аҳолига тўлиқроқ тушунириб бериш ва уларга риоя қилинишини амалга ошириш ҳамда назорат этиш, шу билан биргаликда партия фаолиятини тўғри ташкил қилишда маъсўл саналадилар. Шунингдек, дастурий вазифаларни электрот манфаатларига кўпроқ йўғалтириш, жойлардаги маъжуд муаммоларни бартараф этиш, хусусан, ёш кадрларни ишга жойлаштириш, коммунал хизматлар кўрсатишини тартибга солиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурининг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар назоратида фаол иштирок этиш ҳам, энг аввало, БПТлар фаолияти билан боғлиқ. Танлов шартига мувофиқ, унда иштирок этувчилар мана шу жиҳатларга эътибор беришлари зарур.

Дарвоқе, танловда уч ўрин белгиланган бўлиб, гоғилбар ҳомийлар томонидан ажратилган совғалар билан тақдирланади.

Соғлом ёшлар — миллат таянчи

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати.

Гиёҳвандлик — бугунги куннинг энг долзарб ва оғриқли, глобал мавзусидан бирига айланди. Мамлакатимизда ушбу иллатга қарши самарали курашиш, ёшларнинг турли иллатлар таъсирига берилишини олдини олишда Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасидаги кенг қамровли ишлар алоҳида аҳамиятга эга.

Албатта, ёшларнинг турли салбий иллатлар таъсирига берилмаслигини таъминлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда давлат ва нодавлат ташкилотлари, хусусан, сиёсий партияларнинг ўрни бекиёс. Улар томонидан ёшларнинг манфаатларини ҳимоялаш, қизиқиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, илмий-ижодий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган турли ижтимоий лойиҳаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши, турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиши бу борадаги ишлар самардорлигини оширишга муносиб хизмат қилади. Ўзбекистон "Адолат" СДП Олмазор тумани Кенгаши туман

ҳокимлиги билан ҳамкорликда Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Олмазор академик лицейида «Ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш» мавзусидаги давра суҳбати ҳам шу мақсадда ўтказилди.

Тадбирда партия фаоллари, соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Бўш вақтнинг тўғри ташкил этилмагани, шунингдек, мақсадлар йўлидаги беқарорлик, ирода бўшлиғи, бошқалар таъсирига бўйсунувчанлик ҳолатлари ёшларнинг гиёҳвандлик домига тушиб қолишида асосий омил-



лардан саналади, — дейди Тошкент шаҳар нарқология диспансери ўсмирлар нарқология Нафиса Шомуродова. — Шунинг учун оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг оруз-интилишлари йўлидаги сай-ҳаракатларига беварқ бўлмаслик, бўш вақтини тўғри ташкиллаштиришга кўмаклашиш муҳим аҳамият касб этади.

Олмазор тумани Хотин-қизлар қўмитаси раиси Мўқаддам Расулова ёшларнинг ижтимоий

фаоллигини ошириш хусусида сўз юритар экан, бу борада, айниқса, мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар қошидаги ёшлар қанотларининг маҳалла, таълим даргоҳларига янада чўқур кириб бориши мақсадга мувофиқлигини алоҳида таъкидлади.

Бир сўз билан айтганда, тадбирда ёшларга гиёҳвандлик ва унинг салбий оқибатлари, шунингдек, бу иллатга қарши самарали курашишнинг муҳим чора-тадбирлари хусусида батафсил тушунчалар берилди.

ADOLAT
AVVALI, DAVLAT
KARTIVASI

Энг намунали давлат органлари веб-саҳифаси тақдирини.

Хўшам порталнинг янги имкониятлари, суғуро ва бизнес тузилмалари билан икки томонлама ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг электрон воситалари

Маърузачи: З.А.Муталов

Оила ва ҳуқуқий тарбия

Мулоҳаза

Шохруз ЗУФАРОВ,
Тошкент Транспорт
прокуратураси
катта терговчиси.

Оила — муқоддас даргоҳ. Жамиятдаги барча муносабатлар, қадриятлар ва аъёнлар фарзанд онгига аввало оилада синдирилади, шу жумладан, ҳуқуқий тарбия ҳам. Бу гунг мураккаб ва узок вақтни талаб қиладиган жарёндир. Шу боисдан уни болалиқдан бошламоқ керак. Ҳар бир кишининг Ватан манфаотлари йўлида ҳалол меҳнат қилиши кераклиги тўғрисида, фуқароларнинг шахсий мулки ва бошқа мулклари дахлсиз эканлиги ҳақидаги тасаввур ва бошқа ижтимоий ҳис-туйғуларини ёшиқдан шакллантириш лозим. Шунда биз вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноят ва бошқа ноҳуш ҳолатларнинг олдини олган бўлаемиз.

Ҳозирги пайтда нафақат бизда, балки бутун дунёда вояга етмаганларга эътибор тобора ортмоқда. Яъни вояга етмаганлар жиноятчилиги тўғрисида етарли даражада статистик материаллар тўплаган ва уни таҳлил қилишнинг усуллари ишлаб чиқилган. Буларнинг барчаси вояга етмаганлар жиноятчилигининг аҳолини тўғри баҳолаш, ундаги микдор ва сифат кўрсаткичларидаги ўзгаришларни билиш имконини беради. Айрим вақтларда алоҳида ҳудудлардаги жиноятчиликнинг микдор ва сифат кўрсаткичларида, шунингдек, жиноят содир этувчи шахслар ва турли хил жиноятлар таркибида аниқ бўлмаган маълумотлар бўлишига қарамай вояга етмаганлар жиноятчилигининг аниқ аҳолини билиш имконияти бор.

Қайси ҳудудда оилавий низолар ва никоҳнинг бекор бўлиши кўп бўлса, ўша жойда вояга етмаганлар жиноятчилиги юқоридир, чунки бундай ҳодиса билан вояга етмаганлар жиноятчилиги ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқ нисбат мавжуддир. Айниқса, болалари бўла туриб, эр-хотиннинг ажралиб кетиш ҳодисалари кўпроқ бўлган жойларда вояга етмаганлар жиноятчилиги юқори бўлмоқда. Бундай ҳолат оила мустаҳкамлигини янада яхшилаш, никоҳлар бекор бўлишининг олдини олиш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни чеклаш, тарбиявий чораларни янада яхшилашни тақозо этади. Носоголмон оилалар билан, жумладан аъзолари турли жиноятлар содир этган оилаларнинг фарзандлари тарбиясидан во-

қифликни йўлга қўйиш, фаоллар, кўни-қўшиллар орасида меҳр-мурувват кўрсатиш ишларини ташкил этиш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар томонидан тегишли ташкилотларни жалб этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди, улар бўйича бир қанча амалий ишлар олиб борилмоқда. Улар билан маҳаллардаги диний-маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар алоҳида дастур асосида иш олиб боришмоқдалар.

Вилоят ва туманларда ёшларни касбга йўналтириш ва иш билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоят, туман меҳнат бўлиmlарига иш сўраб мурожаат этган ёшлар иш билан таъминланмоқда, жойларда бўш иш ўринлари ярмаркаларига ҳам ёшлар кўплаб жалб этилмоқда ва бошқа бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. "Оила — мактаб — маҳалла" концепциясига кўра вояга етмаганлар билан ишлашда жойларда хотин-қизлар кўмиталари "Маҳалла" жамғармалари таркибида киритилган маслаҳатчи лавозимидан самарали фойдаланиш асосида иш олиб борилапти.

Биз вояга етмаганлар қаровсизлиги ёки ҳуқуқбузарлиги ҳақида гапирар эканмиз, уларни жазолаш эмас, балки ҳали улар англаб етмаган ҳуқуқларини ҳимоя қилишимиз, уларнинг тарбиясида оила ва маҳалла ҳамкорлигининг тамал тошини тўғри қўйишимиз керак. Вояга етмаганлар ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг йўллари билан, уларнинг ҳуқуқни бузаётганлар, салбий таъсир кўрсатаётганларга қарши курашдан иборат. Биз фарзандларимизнинг жиноят йўлига киришларига йўл қўймаслигимиз лозим.

Оила мустаҳкамлиги, вояга етмаганлар ҳуқуқи таъминлашининг энг олий кўринишигина бўлиб қолмай, улар қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг ҳам энг асосий пойдевори дур.

Усиб келаётган авлоднинг тақдири ўзимизнинг қўлимизда. Уларга бугун тўғри йўл кўрсатсақ, комилликка бошласақ, ҳар томонлама бахтли бўлиб вояга етишадим. Ўртбошимизнинг кўйидаги фикрига эътибор беринг: «Агар фарзанд комил, ақлли, иймон-эътиқодли бўлса ота-онасига фақат раҳмат келтиради, одамларга наф келтиради, эл-юрт назаридан ҳеч қачон қолмайди». Бизга бугун ана шундай авлод керак!

Ҳар бир ота-она ўз зурридининг комил инсон бўлиб вояга етишини орзу қилади. Шу мақсадда бир умр йўлдаги ва тинмай изланади. Ваҳоланки, муаммони шунчаки, айримлар истагандек, осон ва тезда ҳал қилишнинг илоҳи йўқ. Бунинг учун олоҳида соғлом муҳит юзага келиб, ҳар бир ота-она ўзаро иноқ бўлиши керак. Жамиятда ўз ўрнини топган шахсгагина ўзини муносиб ворислар қолдиради. Кимки, ўз фарзандига ўрнак бўлсагина, ҳаётдан кўнгли тўқ ва умргузаронлик қилишга ҳақлидир. Мадомики шундай экан, эр-хотин кун ҳақида қайтурган одам болалар тарбиясига асло бефарқ бўлмаслиги лозим ҳисобланади.


Истиқлол йилларида фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, инсон саломатлигига ҳавф соладиган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, бир сўз билан ифодалганда, аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш, уларни сифатли дори воситалари билан таъминлашга жиддий эътибор қаратиб келинётганлигини таъкидлаш жоиз.

Тошкент фармацевтика институтининг Олий Махлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган "Аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлашнинг аҳоли: муоммо ва ечимлар" мавзусига бағишланган конференцияда ҳам худди шу ҳақда сўз борди.

Сифатли дори воситалари: муаммо ва ечимлар

Илмий-амалий конференция

Нурбек АБДУХАЛИЛОВ,
"Adolat" мухбири,
Рустам НАЗАРМАТОВ
олган суратлар.



Йиғилишда аҳолининг сифатли дори воситаларига бўлган эътиҳини қондириш тўғрисида сўз борар экан, кўндалини шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда, Қонун ва қонуности ҳужжатларининг амалиётдаги ижросини мунтазам равишда ўрганиб бориш, юзга келаётган муаммоларни, ечимини кутаётган масалаларни зудлик билан ҳал этиш, соҳани янада ривожлантириш ва тақомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда қабул қилинган 22 та Қонун, Президентимизнинг 10 та фармон ва қарорлари, уларнинг ижросини таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 21 та қарори ва бошқа қонуности ҳужжатларида дори воситалари муомаласининг ҳуқуқий асослари бевосита ва билвосита ўз аксини топган. Жумладан, "Фуқаролар соғлигини сақ-

таҳкамлаш борасида юртимизда жадвал ислохотлар амалга оширилди. — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси З.Ботирова. — Давлатимиз раҳбарининг соҳани ислоҳ этишга қаратилган бир қатор қарор ва фармонларини ҳамда қабул қилинган қонунлар бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ислохотлар самараси ўнлаб юшун даврда мамлакатимизда одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етганини мамнун қилиб билан таъкидлаш лозим. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимизда аҳоли соғлигини му-

муаммоларини комплекс ҳал этишда соғлиқни сақлаш муассасаларидан ташқари давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг сўй-ҳаракатларини бирлаштириш бугунги куннинг долзарб масаласидур. Таъкидландики, соғлиқни сақлаш тизимининг истиқболлари фармацевт кадрларни тайёрлаш сифати ва уларнинг касбий маҳорати даражасига ҳам бевосита таъкидланди. — Республикаимизда фармацевтика тизимининг ислохотлар ва ривожланиш динамикаси бу соҳа учун кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш ва унинг узок муддатли стратегиясини белгилашни тақозо этади, — деди Тошкент Фармацевтика институти ректори, фармацевтика фанлари доктори, профессор Ахмадхўжа Юнусхўжаев. — Институтимизда кадрлар малакасини ошириш ишлари замонавий талаблар даражасида ташкил этилган. Бу соҳада масофадан ўқитиш тизимининг жорий этилганлиги эътиборлидур.



лаш тўғрисида"ги, "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги, "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги, "Гийҳандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги ва "Реформа тўғрисида"ги Қонунларда дори воситаси муомаласининг сифати ва бошқа жиҳатлари ҳақида қўйилган талаблар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланганлиги эътиборлидур. — Мустиқлигимизнинг ўтган 20 йили давомида фуқароларимиз саломатлигини мус-

хофаза қилиш борасида муайян таъриба орттирилди. Яна шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон "Адолат" СДП сайловолди дастурида партия аҳолига тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдори эканлиги ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини янада кучайтиришни белгиланган.

Албатта, соҳадаги вазифаларнинг негизда юрт келажаги ва авлодларимизнинг саломатлиги, оилаларимиз мустаҳкамлиги ётар экан, аҳолини соғломлаштириш

қарорлари билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш, жуда ҳам учрайдиган касалликларни даволашда қўлланадиган диагностика ва профилактика воситалари, шунингдек, яроқсиз, сифатсиз дори воситалари муомаласига киришини олдини олиш борасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан амалга оширилган тадбирлар ва уларни тақомиллаштириш бўйича аниқ тақдирлар билдирилди.

Экспорт имкониятни кенгайтиради

Солиқ

Равшан АЮБОВ,

Чуст туман ДСИ бўлими бошлиғи.

Вазирлар Маҳкамасининг «2009-2012 йилларда» Наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва қасаначиликни ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорига асосан туманда sanoat ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ташкил этилиши лозим бўлган корхоналар ва уларнинг ҳисобига яратиладиган янги ишчи ўринлари бўйича туман дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра жорий йил июль ҳолатига туманда sanoat тармоғида 16 та корхона ташкил этилди, 142 та қўшимча иш ўринлари яратилди. 68 та кичик бизнес корхоналари ҳисоби эса 742 та янги иш ўринлари борло этилди.

Ушбу мақсадлар учун ўтган давр мобайнида кичик бизнес субъектларини ривожлантириш мақсадида 5 миллиард 640,0 мил-

лион сўм кредитлар ажратилиб, шундан 3 миллиард 948 миллион сўми узок муддатли кредитларни ташкил этган.

Кўвончлиси, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ташки иқтисодий фаолиятидаги иштирокини кенгайтириш масалаларини тубдан ҳал этиш, уларни ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, экспортга мўлжалланган замон талаблари даражасида истеъмолчиларга махсулот ишлаб чиқариш бўйича туманда экспорт ҳажми 2,5 миллион АҚШ долллари етказилди.

Умуман, 2011 йилнинг олти ойлигида кичик бизнес субъектларининг sanoat ишлаб чиқаришдаги улуши 61,0 фоизни, қурилишда 87,8 фоизни, қишлоқ ҳўжалиги ялли махсулотлари улуши 99,1 фоизни ташкил этмоқда. Жумладан, «Агромир» қўшма корхонаси 230,4 минг АҚШ долллари, «Мармар-Ф» қўшма корхонаси 188,0 минг АҚШ долллари, бошқа экспорт корхоналари ҳисобига 308,7 минг АҚШ

долллари ҳисобига кўпайишига эришилди.

Солиқ Кодексининг тегишли моддаларига асосан 111 та ҳўжалик субъектларига 1377,6 миллион сўмлик ва бюджетга солиқлар бўйича 1351,1 миллион сўмлик ва бюджетдан ташқари жамғармаларга 26,5 миллион сўмлик солиқ имтиёзлари қўлланилди. Ҳўжалик субъектлари кесимида 3 та корхоналарга чет элга махсулот экспорт қилинганлиги учун 831,3 миллион сўмлик, маҳаллийлаштириш дастури бўйича, яъни ЎзДЭУ корхонасига маҳаллий корхоналарда эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш бўйича 1 та корхонага 4,1 миллион сўмлик солиқ имтиёзлари берилди.

Демак, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган махсулотларимиз дўбозорида ўз ўрнига эга бўлиб, юртимиз иқтисодиётига ҳам улкан ҳисса қўшишлари шўбҳасиз.

Жиноят ишини юрителиш чоғида

қамоқда сақлашнинг қонунчилик асослари янада тақомиллаштирилди

Суд-ҳуқуқ

Нодир МУХТОРОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди.

Мамлакатимизнинг инсонпарварлик гоғлари билан йўғрилган қонунчилик тизими демократик ислохотларни янада қўрқлаштириш ва фуқаролик жомиятини ривожлантириш шароитида суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришга, инсон ҳуқуқларини халқаро стандартлар даражасида мустаҳкамлашга қаратилган қонунчилик асослари босқичма-босқич, изчил тақомиллаштирилмоқда. Чунки, Президентимиз Ислам Қаримов Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида таъкидлаганидек, мамлакатимизда жинойи-ҳуқуқий сиебатни тақомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди.

2011 йил 26-27 август кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Сенатининг олтинчи ялли мажлисида маъқуланган "Жиноят ишини юрителиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги ҳамда "Жиноят ишини юрителиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари айнан жиноят ишини юрителиш чоғида қамоқда сақлашнинг қонунчилик асосларини янада

тақомиллаштиришга қаратилган бўлиб, ушбу қонунлар 2011 йил 5 октябрда расмий матбуотда эълон қилинди ва шу кўндан эътиборан қўчга кирди.

Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур қонунларни қабул қилишда инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларни ўзида мужасамлаштирган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида қабул қилинган ва бошқа қатор халқаро ҳужжатлар ўрганилган ҳамда уларнинг асосий қондалари ушбу қонунларга сингдирилган.

Дастлаб, "Жиноят ишини юрителиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-

моҳияти ҳақида тўхталадиган бўлсак, мазкур Қонун миллий қонунчиликнинг илгор тажрибаси ҳамда замонавий халқаро ҳуқуқий нормалар уйғунлигига асосланган бўлиб, унда қамоқда сақлашнинг асосий принциплари, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ҳуқуқий ҳолати, қамоқда сақлаш жойлари тизими, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, уларга нисбатан қўлланиладиган рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари, қамоқда сақлаш жойларида қўриқлаш ва назоратни таъминлаш, шунингдек, уларни қамоқдан озод қилиш билан боғлиқ муносабатлар инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш принциплари келиб чиқиб тартибга солинган.

Қонунни қабул қилишдан қўланган асосий мақсад жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни ва қамоққа олиш тартибда эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни қамоқда сақлаш тартиби ҳамда шарт-шароитларини қонуности ҳужжатлари, жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар ёки давлат идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан эмас, балки имкон қадар айнан қонун орқали белгилаш, шунингдек, қамоқда сақлаш тартиби ҳамда шарт-шароитларини халқаро стандартлар даражасида таъминлашнинг қонуний асосларини янада тақомиллаштиришга қаратилган.

Мазкур мақсаддан келиб чиқиб, Қонуннинг вазифалари сифатида ушлаб турилганларни ва қамоққа олинганларни қамоқда сақлаш тартиби ҳамда шарт-шароитларини, уларнинг ҳуқуқлари, эркинлик-

лари ва қонуний манфаатлари қамолатларини белгилаш эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонуннинг 4-моддасида қонунчилик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, шахсининг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини муҳофаза этиш, айбисизлик презумпцияси қамоқда сақлашнинг асосий принциплари, деб белгилаб қўйилган. Уз навбатида, мазкур принциплар қонунининг барча нормаларига сингдирилиб, уни амалиётда қўлвончилар учун рақбарий қоида бўлиб хизмат қилади.

Қонунда қамоқда сақлаш асослари аниқ кўрсатилган бўлиб, унга кўра, Жиноят-процессуал кодексининг 225-моддасида назарда тутилган тартибда тузилган ушлаб туриш баённомаси ушлаб турилганларни қамоқда сақлашга ҳамда суднинг Жиноят-процессуал кодексиде назарда тутилган тартибда чиқарган қамоққа олиш тартибда эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарори эса қамоққа олинганларни қамоқда сақлашга асос бўлиши қўрсатилган.

Шунингдек, Қонуннинг алоҳида моддасида ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ҳуқуқий ҳолати очиб берилган. Унга кўра, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний қўчга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбисиз ҳисобланиши ҳамда улар қонунда назарда тутилган чеклашлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган ҳуқуқларга, эркинликларга эга бўлиши ва мажбуриятларини бажариши кўрсатилган.

Қонунда ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ҳуқуқий ҳолатига оид норма ҳам белгиланиб, Ўзбекистон ҳудудида ушлаб турилганлар, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда ҳуқуқлардан, эркинликлардан фойдаланиши ҳамда мажбуриятларини бажариши, фақат Ўзбекистон Республикасининг қонунини ва халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Энг муҳими, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга нисбатан кийноқлар, бошқа шафқатсиз, ғайриминсоний ёки инсон қадриятини камситувчи таъйиқлар қўлланилишига йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

Қонуннинг "Қамоқда сақлаш жойлари" номли 2-бобида ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни сақлаш жойлари, жумладан, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ва тергов ҳибсхоналари тушунасига, мазкур жойларда сақланиши мумкин бўлган шахслар ҳамда бундай жойларда сақлашнинг алоҳида хусусиятлари аниқ баён этилган.

Қонуннинг ўзига соғ муҳим жиҳатларидан бири, унда ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ҳуқуқлари баён этилиши билан бир қаторда, белгиланган аниқ механизмлари кўрсатилган. Жумладан, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг мурожаатларини юбориш тартиби, қариндошлари ҳамда бошқа шахслар билан ёзишмалари, ҳимоячиси, қонуний вакили, қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашувлари,

шахсий ҳавфсизлик ҳуқуқи, шунингдек, моддий-маънавий, тиббий-санитария таъминоти, посилкалар, йўқловлар, бандероллар ва пул жўнатмаларини олиш ҳуқуқлари фойдаланиш механизми аниқ баён этилган.

Энг муҳими, қонунда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизимида юқори мавқега эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) қамоқда сақлаш жойларига бориши билан боғлиқ инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларга ва инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш механизмига мўла мувофиқ келадиган норма мустаҳкамланган. Айтиш жоизки, хорижий давлатларнинг мазкур қўчга ўқлаш қонунларни таҳлили шунини кўрсатадики, уларда инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг қамоқда сақлаш жойларига бориши билан боғлиқ муносабатлар тартиби солинмаган. Бу ҳам бўлса, мазкур қонуннинг ижобий ютуқларидан бири ҳисобланади.

Қонунда ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга нисбатан мажбуриятларини намуналий бажарганлик, қамоқда сақлашнинг белгиланган тартиби ва шарт-шароитларига риоя этганлик учун ташаккур эълон қилиш, илгари қўлланилган интизомий жазони муддатидан илгари олиб ташлаш ёки ҳар кунги сайр вақтини қўпайтириш, вояга етмаганларга эса қўшимча кинофильм намойиш этиш, телекўрсатувлар томоша қилишни ташкил этиш, спорт машғулотлари хонасига қўшимча равишда кириш, шунингдек, бўш вақтни ўтказишнинг бошқа шакллари учун рухсат бериш каби рағбатлантириш чоралари қўлланили-

ши, борди-ю белгиланган мажбуриятларини бажармасан, қамоқда сақлаш тартиби ва шарт-шароитларини, ажратиб қўйишни таъминлаш талабларини бузса тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкинлиги қатъий белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, юқориде таъкидлаб ўтилганидек, "Жиноят ишини юрителиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун ҳам қабул қилинган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига, Маъмурий жаъобарлик тўғрисидаги кодексига ва Оила кодексига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Хулоса қилиб айтганда юқориде қонунларнинг қабул қилиниши, биринчидан, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳар қандай шароитда ҳам олий қадрият эканлиги, инсон ҳуқуқлари халқаро стандартлар даражасида қонунлар орқали янада мустаҳкамлаётганлигини кўрсатади, иккинчидан, мазкур қонунлар бевосита таъкид этиладиган қамоқда сақлаш жойларининг ходимлари фаолиятини очик-лигини, уларнинг ушлаб турилганлар билан қамоққа олинганлар билан муносабатларини қонун орқали ҳуқуқий мустаҳкамлашга хизмат қилади. Пировард натижада, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни сақлаш шароитлари ва тартибида инсон ҳуқуқлари устуворлигини, жиноятларни очик ва олдини олишда демократик нормалар қўлланилишини таъминлайди.

Истиқлолнинг 20 йиллиги

янги зафарларга илҳомлантиради

Сарҳисоб

Дилбар ҲАМДАМОВА
Ўзбекистон «Адолат» СДП,
Бухоро вилоят Кенгаши
раис ўринбосари.



«Ислохотларнинг муваффақияти — авваломбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саясий-ҳаракатларимизнинг суръати, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксаклигига ва ўз-ўзидан аёнки биринчи навбатда сиёсий партияларнинг етуқлик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажига дахлдор бундай улкан воқолатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир.»

(*Ортбошимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузасидан.*)

Юртимиз бўйлаб давом этаётган Мустақиллик байрами шукуҳи ўтган давр мобайнида қилинган ишларимизни сарҳисоб қилиш ва келгусида зиммамизда турган мақсад-вазифаларни яна бир бор белгилаб олишимиз учун туртки бермоқда. Яхши биламизки, бажарилган ишларни сарҳисоб қилишдан мақсад — ютуқлардан қувониш ва камчиликларни бартараф этиш, келгусида унга йўл қўймасликка интилиш, яқиний натижаларидан тегишли хулоса чиқаришдан иборат.

Шу нукта-назардан Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилояти Кенгашининг 2011 йилдаги 9 ойлик фаолиятига назар ташласак, кўпгина ибратли ишлар қилинганлигига гувоҳ бўламиз. Шу ўринда аввало ташкилий-партиявий, маънавий-маърифий, экологик омилларнинг инсон саломатлигига таъсири, аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш ҳамда репродуктив саломатлик кўрсаткичларини ошириш соҳасида анчагина ишлар қилинганлигини таъкидлаш жоиз.

2011 йилнинг ўтган даврида партиянинг вилоят кенгаши томонидан «Адолат» СДПнинг мавқеини янада ошириш, партиянинг сайловдаги дастуридаги «Эркинлик», «Адолатлилик» ва «Бирдамлик» сингари тамойилларини аҳоли ўртасига янада қўпроқ ва чуқурроқ олиб кириш мақсадида иш олиб борилди. Президентимизнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепция-

си» ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21-январда бўлиб ўтган мажлисидаги «**Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади**» номи маърузаларнинг мазмун-моҳияти ва тарғиботи мақсадида вилоятимизнинг деярли барча туманларида йиғинлар ва давра сўхбатлари ўтказилди. Бу ҳаракат хозиргача давом эттирилиб, партиянинг вилоятдаги бошқа Нодавлат но-тижорат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйишда кўпгина муҳим ишлар қилинмоқда.

2011 — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» ва мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ошиб бораётганлиги муносабати билан партиянинг вилоятдан «Мадад» сугурта агентлиги билан ҳамкорликда ўтказилган «Энг яхши ижтимоий бизнес го-я» кўриқ-танлови учун партиянинг вилоят кенгашига 7 та бизнес — го-я тақдим этилди. Шундан 3 таси танловнинг вилоят босқичида иштирок этиб, жондорлик тадбиркор Бобоназар Чориевнинг бизнес-го-яси энг яхши деб тан олинди. Ва унга ўз лойиҳасини амалга ошириши учун «Микрокредитбанк»нинг Жондор туманидаги филиалидан вилоят партия кенгаши томонидан кўмак сўралди.

Бундан ташқари, вилоятдаги кўпгина корхона ва ташкилотларда БПТлар тузилди. Улар орасида Бухоро вилоят «Адолат» СДПнинг мавқеини янада ошириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепция-

малари томонидан ўтказилган спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, 2-ўринни эгаллади.

Партиянинг «Ёш адолатчилар» ва «Аёллар» қанотлари билан ҳамкорликда юртимизда амалга оширилган ислохотларнинг аҳолияти, ҳуқуқ-қарорлари-ю фармонларининг тарғиботига бағишланган «Мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, «Репродуктив саломатлик химояси — соғлом жамият ка-фолати» каби мавзуларда тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилди. Бу тадбирларимизнинг деярли барчасида партия-имизнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари иштирок этишди.

Шунингдек, йил бошидан бери партиянинг вилоят Кенгаши томонидан «Адолат» СДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари З.Ботирова ва Қ.Жўраевларнинг доимий равишда сайловчилар билан учрашувлари намунали тарзда уюштирилди. Жондор, Пешку, Ромитан туманларида ва Бухоро шаҳрида депутатлар иш-тироқида маънавий-маърифий мавзуларда тадбирлар ўтказилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «...**Жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати қараб, унинг маънавий-маданий савияси ҳамда демократик ис-**

лохотлар йўлида қанчалик илгарилаб бораётгани ҳақида хулоса қилиш мумкин» деган фикрларида катта маъно бор. Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир давлатнинг ривожланганлик даражаси маълум бир маънода ўша давлатдаги аёлларнинг фаолликлари билан баҳоланиши мумкин. Аёллар жамиятининг ярмидан кўпини ташкил этадиган аҳоли қатлами эканлигини эътиборга олсак, уларнинг фаоллиги мамлакатимизда фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш ва демократлашув жараёнларини фаоллаштиришда муҳим ўрин тутганини англаб етамиз. Шу ўринда партияимизнинг катта мадад кучи бўлган — Аёллар қаноти томонидан репродуктив саломатликка эътибор, илғор фикрли аёлларнинг жамиятимиздаги ўрнини мустаҳкамлаш, қабул қилинаётган янги қонунлардан хотин-қизларни бохабар қилиш, касбга йўналтириш, оилада соғлом муҳитни яратиш каби долзарб мавзуларда тадбирлар ўтказилганлигини ва бу билан партияимиз томонидан кўзланган мақсадларимизнинг деярли барчаси амалга ошаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жорий йилда она Ватанимиз ўз мустақил тараққиёт йўлининг 20 йиллигини энг улуг ва энг азиз байрам сифатида катта тантана қилди. Партияимизнинг вилоят Кенгаши вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда тузилган маданий-маърифий тадбирлар режасига кўра Мустақиллик мавзусида кўплаб тадбирлар, давра сўхбатлари, учрашувлар ўтказилди. Бунда ҳамюртларимизнинг мамнун чечраларини кўриб, кўнгилларимизга бутун

дунё нигоҳи остида юксалиб бораётган ёш давлатимизнинг тезкор тараққиёти гурур ва ифтихор туйғуларини бағишлаётганлигини эътироф этдик. Мана шу ривожланиш, мамлакатимизда сиёсий партиялар ривожига берилаётган эътибор Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилоят Кенгаши фаолиятида ҳам ўз аксини топапти. Режалаштирилган барча ишларимиз амалга ошмоқда. Биз партияимизнинг вилоят Кенгаши томонидан йил охиригача режамизда белгиланган барча ишларни амалга оширишни ният қилганмиз.

«Буюк ва муқаддас мустақил, Ватан!» ширин остида давлат, жамоат, Нодавлат но-тижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан катта тантана қилинди. Шу ўринда айтиш мумкинки, она Ватанимизнинг мустақил тараққиёт йўлини танлаганига 20 йил тўлгани ва тарихан қисқа даврда юртимиз эришган улкан ютуқларни қанча кўп тарғибот қилсак, бундан қанча кўп хурсанд бўлсак ва байрам-у, тантана қилсак арзийди. Чунки мустақиллик йилларида юртимизда юз берган ўзгариш ва ютуқлар ҳақида сўзламоқ, эсламоқ, уларни тарихимиз зарварларига муҳрламоқ ҳар биримизнинг қалбимизга завқ ва мароқ бағишлайди.

Мамлакатимизда демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиётимизни ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтказиш ва ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиш самарали натижаларга олиб келётганлигини кўраётганимиз. Шу сабабли мамлакатимиздаги тинчлик ва хотиржамликни асраш, ёш авлоднинг шу она Ватани севиш, ардоқлаш, эъозлаш руҳида тарбиялаш, юртдошларимиз он-чиги шукроналик туйғуларини сингдириш, бугунги кунда нафақат барча сиёсий партияларнинг, балки юртимизда мавжуд бўлган ва фаолият кўрсатаётган барча давлат ва нодавлат ташкилотларнинг биринчи галдаги вазифаси, зиммасидаги масъулияти бўлмоқ лозим. Бу ҳаммамизнинг Ватан олдидаги муқаддас бурчимиздир. Энг муҳими, Ватанимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган бунёдкорлик ишларимизда, хайрли ташаббусларимизда бардавонлик ҳукмрон бўлсин!

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, шунингдек, қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши, бу борадаги ислохотлар муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасига боғлиқ саналади.

Қолаверса, моҳиятига кўра, умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми бўлган ҳуқуқий маданият изчил амалий фаолият сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди. Шундан келиб чиқиб айтиладиган бўлсак, ҳуқуқий маданият қанчалик юқори бўлса, давлатнинг демократик табиати шунчалик намоён бўлади.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш — давр талаби

Ҳуқуқ ва бурч

Зумрад АҚРАМХУҲАЕВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати.

Маълумки, бугунги кунда жаннатмонанд юртимизда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Ушбу ислохотларнинг моҳиятини тушуниб етишда ҳар бир фуқародан ҳуқуқий онг орқали тушуниш, англаб етиш талаб этилади. Шу боис ҳуқуқий онгни тўлдирувчи элемент сифатида ҳуқуқий маданият зарурат ҳисобланади. Бу иккала тушуноча ўзаро алоқдорликда кишининг ҳуқуқий етуқлигини белгилаб, хозирги глобаллашув даврида, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Зотан, ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билган одам дунёда ва ён-атрофида бўлаётган воқеаларга онгли муносабатда бўлиб, ўз позициясига ва қарашига эга бўлади. Бундан қўра, жамиятда ҳуқуқий маданиятни инсонларни камол топтириш, ёш авлоднинг руҳда тарбиялаш ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга саналади.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятнинг мустаҳкам асосларини белгилловчи мейёр-ҳуқуқий база шакллантирилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури» тасдиқланиб, мазкур ҳужжатда жамият ва давлат ижтимоий фаол, қонунга итоаткор фуқароларни тарбиялашдан манфаатдор экани, давлат жамият маданий ҳаётининг таркибий қисми бўлиши ҳуқуқий маданият тўғрисида алоҳида ғам-ҳурлик қилиши белгилаб қўйилди. Қайд этиш ўринлики, ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида аҳоли барча қатламларининг ҳуқуқий саводхонлигига эришиш, ҳуқуқий маданиятнинг шакллантиришининг кенг қамровли мунтазам тизими яратилди.

Шунга қарамай, бугунги тезкор давр инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш, аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, ҳуқуқий билимларни амалда қўлай олиш кўнжмақларини шаклланти-

ришни такозо этмоқда. Хусусан, амалга оширилган изчил ислохотлар, жамият ва давлат тараққиётининг хозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларнинг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишни талаб қилмоқда.

Мухтарам Президентимиз ана шу ҳаётини талабни инобатга олиб, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да «...бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кўриқ-қўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур» эканига алоҳида эътибор қаратди. Таъкидлаш ўринлики, ушбу тарихий ҳужжатда илгари сурилган мазкур дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишга, фуқароларда қонунларга ҳурмат туйғусининг янада орттишига хизмат қилади.

Ҳаётга татбиқ этилаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш ва англаб етиш ижтимоий, ҳуқуқий аҳамиятга молик вазифалардан бири саналиб, уларни кенг тарғиб-ташвиқ қилиш аҳоли ҳуқуқий онги ва маданиятининг ўсишига кўмак беради. Ушбу жараёнда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ҳам фаол партиявий иштироки янада муҳим ўрин тутмоғи керак. Зотан, партияимиз бугун мамлакатимиздаги рақобатбардор сиёсий кучлардан бири сифатида иқтисодиётга йўналтирилган демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга ўзининг ижтимоий-сиёсий идеалларидан бири деб қарамолмоқда. Шундай экан, қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мухтасар айтганда, ҳуқуқий онгни шакллантириш ва ҳуқуқий маданият юксалтиришга эришиш пировардида, жамиятда юксак ҳуқуқий тафаккурнинг пайдо бўлишига замин яратилади. Бу эса ўз навбатида, юқорида таъкидлаганимиздек, ислохотларнинг самардорлигини оширишда ва уларнинг муваффақиятини таъминлайди.

Ташаббусни қўлдан бермайлик

инвестицион технологиялардан юксак даражада модернизациялашган sanoat корхонасини яратган тадбиркор «Адолат» СДПнинг дастурий го-ялари иқтисодий ислохотлар жараёнида қанчалик афзаллигини амалда исботламоқда

Давом. Боши 1-бетда

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, «СамАнтепгилам» фақат шу йилнинг ўтган вақти мобайнида ўз маҳсулотининг 70 фоизини хорижга экспорт қилди. Натижада 550 киши уч сменада ишлаб 170 турдан ортиқ сифатли маҳсулот чиқараётган корхонанинг иқтисодий манфаатдорлиги янада ортди. Россия, Украина, Беларус, Қозоғистон ва ҳатто нағиса гиламдўзлик санъатига эга Афғонистондан қўшимча буюртмалар олингани эса корхона ишлаб чиқаришини янада кенгайтириши заруратини пайдо қилди.

«СамАнтепгилам» кўшма корхонаси раҳбари, «Адолат» СДП аъзоси, халқ депутатлари Самарқанд вилояти, Кенгаши депутати Камол Абдуллаев ўз жамоаси фаолиятидаги илҳобий ўзгаришларнинг моҳиятини шундай изоҳлайди:

— Тадбиркорлик ва бозор рақобати, энг аввало, юқори технологияга, илм-фан ютуқларига таяниши зарурлигини фаолиятимизнинг дастлабки кунларида-ноқ англаб етганман. Партияимизнинг Ҳаракат дастурида ҳам айтиш мумкин, шу масалада жозибали тақлифлар баён этилгани мени

бефарқ қолдирмади. Хусусан, инновацион технологияларни sanoatда қўллаб нималарга эришиш мумкинлигини қайта-қайта таҳлил қилиб чиққанман. Бугун эса корхонамиз эришаётган натижаларни партия Ҳаракат дастуридаги го-яларнинг амалдаги исботи деб биламан.

Дарвоқе, «СамАнтепгилам»да тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган технологик жараёнлар юз фоиз корхонанинг ўзидан амалга оширилади. Четдан ярим тайёр ёки бутловчи қисмларни олиб келишга эҳтиёж қолмаган. Барча цехлар бир-бири билан компьютер алоқалари орқали боғланган. Герма-



ния, Бельгияда яратилган сўнгги нусхадаги электрон дастгоҳлар гиламлар ўлчаш, дизайнни, нафислиги, ранглар жилосини бир зумда тайёр маҳсулотда намоён этиб, харидор кўзини қувонтиради.

Корхона мутахассиси Зафар Ҳайдаровнинг таъкидлашича, буюртмачилар билан интернет тармоғи орқали улашиш ва керакли дизайндаги маҳсулотнинг рекламасини тақдим этиб ўзаро келишуни амалга ошириш мумкин. Бу ҳар қандай харидорнинг талаб ва истагини қондириш учун корхона маъмурияти ҳар доим ҳозиржавоб деган маънони аналтади.

Ҳа, юқори сифат ва самардорлик, харидор талабини биринчи навбатда инобатга олиш «СамАнтепгилам»нинг бозорига барака ёғдириди. Корхона ишчи-мутахассислари вилоятдаги sanoat корхоналари жамоалари ўртасида энг юқори маош ва моддий имтиёзларга сазовор бўлишди. Корхона раҳбари Камол Абдуллаев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасидаги тадбиркорларнинг биринчилари қаторида Ганновердаги «Доматекс» халқаро савдо ва sanoat конгрессига тақлиф этилди.

Камол Абдуллаев иқтисодий ислохотларнинг моҳиятини партияимиз дастуридан келиб чиққан ҳолда пировард натижадан ҳар бир киши юқори даражада манфаатдор бўлишини таъминлашдан иборат деб билади. Шу боис, ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш, ҳар бир мутахассиснинг қобилиятини тўлароқ рўёбга чиқаришга кўмаклашиш орқали корхонада меҳнатга ҳақ тўлашнинг адолатли муносабатларини жорий этишга интилоқда.



мак, тадбиркорликнинг оила бюджетига, фаровонлигига етказётган нафи алоҳида эътирофга лойик.

Инновацион технологиялар «СамАнтепгилам» учун истикбол эшикларини очётганлигини инобатга олиб корхона янада кенгайтириш ишлари олиб борилаётганда. Хусусан, саҳни ўн минг квадрат метрлик янги гилам тўқиш цехини бунёд этиб, йил охиригача ишга тушириш ва яна 200 киши билан меҳнат шартномаси тузиш мўлжалланмоқда.



Буни «СамАнтепгилам»даги партиядошимизнинг тадбиркорлиги замиридаги фидойилик, инсон манфаатларини таъминлаш борасидаги амалий ишларнинг сарҳисоби деб баҳолаш ўринлидир.

Камол Абдуллаев Самарқанд вилоят Кенгашининг депутати сифатида вилоятда sanoat саноат саноатини ошириш, янги иш жойларини яратиш орқали аҳолининг ижтимоий шарт-шароитларини яхшилашга оид долзарб тақлифларни ишлаб чиқиш, муҳокама этишда фаол иштирок

этнода. 14-Темирйўл сайлов округини ташкил этган Самарқанд шаҳридаги 20 та маҳалла депутат учун ўзига хос ҳисобот марказига айланган. Бу ерда у сайловчилар билан мунтазам учрашиб, ижтимоий муаммолардан хабардор бўлиб боради. Сайловчиларнинг мурожаатлари асосида керакли бошқарув идораларига депутатлик сўровлари киритиб ижрон нозорат қилишга интилади. Мамадали Латипов, Мақсуд Шайхзода ва Қўшқовуз маҳалларида аҳоли билан бўлиб ўтган мулоқотлар натижасида коммунал соҳада аниқланган камчиликлар ўз ечимини топанлиги депутатлик фаолияти самардорлигидан бир нишона холос.

Демак, партия го-яларининг жозибадорлиги амалий ишлар билан исботланади. Кўпроқ наф келтириш, жамият ривожига ривож қўлиши мумкин. Партия фаолининг, депутатнинг ислохотлар жараёнидаги ташаббуси, изланувчанлиги эса электроратнинг ишончини, хайрихоҳлигини оширади. Ижтимоий муаммоларни биргаликда аниқлаб, ҳал этиш имкониятини пайдо қилади. Бу эса «Адолат» СДП го-яларининг ҳаётийлигини, изчиллигини ва давомийлигини таъминлаш қафолатидир.

Тил — миллат қалби

Давоми. Боши 1-бетда

Бундан-да муҳими, кўшиқ, мусика ёки оддий мулоқот, баҳс, илтифот орқали шу тил мансуб бўлган халқнинг маънавий олами тунушуни мумкин. Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, «ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги рухий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамии эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир».


Тил, шунингдек, тирик организм ҳам. У ҳам, худди инсонлардек, туғилади, яшайди, вояга етади, касалланади, азоб чекади, куч-қудрати гоҳ ортиб, гоҳ пасайиб боради. Улуғ мутафаккир, давлат арбоби, фазал мулкининг султони Алишер Навоий замонидан бошлаб тилимиз тараққийётга юз тутди. Неча асрлар давомида буюк юксалиш йўлини босиб ўтди. Илму идрокда, фалсафа ва мантиқда, ҳаётнинг бошқа барча соҳаларида бекиёс нуфузга эга бўлди. Шу давр ичида она тилимизда жохон тамаддуни ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган кўплаб буюк асарлар яратилди, оламшумул ихтиролар қилинди. Аммо таасуфлар бўлсинки, шўролар замонида келиб, тилимиз қизил мафкура исканжасига тушиб қолди, нуфузига путур етди, она тилини мукамал ўрганишга эътибор сусайди.

Абдулла Авлонийнинг «Хар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган оинаи ҳаёти унинг тили ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур», деган огоҳлик сўзлари ҳам тил сиёсатини юргизаётган мафкурачиларга таъсир қилмади.

1989 йилда «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун қабул қилинди ва ўзбек тили мамлакатимизда давлат тили деб эълон қилинди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституция-мизда давлат тилининг юксак мақоми ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилаб қўйилди.

Орадан ўтган йиллар ичида тилимизнинг буй-баста тикланди, байроқ, герб, мадҳия, Конституция каби давлатимизнинг муқаддас тимсолларидан бирига айланди. Истиқлол йилларида тилимизни янада ривожлантириш, унинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, халқаро миқёсда фаол ижтимоий-сиёсий, ижодий ва иқтисодий мулоқот воситасига айлантириш борасида жуда кўп ибратли ва самарали ишлар қилинди, бу борада кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

Бундай ютуқларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бироқ эътироф этиш керакики, давлат тилини қўллаш, уни ўрганиш ва ривожлантириш борасида ҳали айрим муаммолар ҳам бор. Тилимизнинг имло қоидаларига тўла амал қилмаслик, оммавий ахборот воситаларида, хусусан, газета-журналларда, телевидение



ва радиода, босма нашрларда сўз ва ибораларни нотўғри ёзиш, кўп қўллаш, маъносини яхши англамаслик, кўча ёзувларидаги чалқашлик ҳолларидан асло кўз юмиб бўлмайди. Бундай нуқсонлар, аста-секин ёш авлод нутқи ва ёзувида кўчади ва, кейинчалик,

уларни тузатиш мураккаблашади.

Хар йилнинг ушбу кунини мамлакатимизда маънавий ҳаётимиздаги ёруғ байрамлардан бир сифатида нишонланади. Меҳнат жамоаларида, олий ва ўрта махсус ўқув юрларида, маҳаллаларда муста-

қиллик шарофати билан ўз мавқеига қайтган бу муқаддас неъматга бағишланган кўплаб тадбирлар бўлиб ўтади. Байрам шукўҳи хар биримизда ўзликни англаш ва бундан фахр-ифтихор туйғусини янада кучайтиради. Тилга эътибор — элга эътибор экан,

тилимизнинг юксак мақоми ва гўзаллигини, мукамал ва таъсирчанлигини сақлаб қолиш, уни келажак авлодларга бус-бутун, бөр куч-қудрати ва жозибаси билан етказиш хар биримизнинг кундалик, бир умрлик бурчимиз бўлиб қолиши керак.

21 октябрь — «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган кун

Дилафрўз Бобонова ва Жиззах вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли «Умид» мактаб-интернатида ўқувчиларга ўзбек тилидан сабоқ беради.

У ёш авлод онг-тафаккурида ўзбек тилининг бой имкониятлари, уни асраб-авайлаш, мавқеини янада мустаҳкамлаш каби тушунчаларни шакллантиришда ўз ҳиссасини қўшаётган муаллимлардан.

Дарс жараёнида у ўқувчиларнинг адабий тил меъёрлари, талаб ва қоидаларига амал қилишига алоҳида эътибор қаратади. Болалар нутқини ўстиришда турли интерфаол усуллардан кенг фойдаланади. Адабий, балиий мавзулардаги мусобақалар, шеърят, фазалхонлик кечалари ва иншолар танловларининг мунтазам ўтказиши дарслар самарадорлигида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Суратда: ўзбек тили ўқитувчиси Дилафрўз Бобонова 6-синф ўқувчилари (чапдан) Алсу Шайхиева ва Дамир Аюпов билан.

У.РАҲМОНҚУЛОВ (Ўза) олган сурат.

Турмуш фаровонлиги йўлида

Молия муассасаларида

Д.ЖОЗИЛОВ, Ф.ХИДИРОВ, «Adolat» мухбирлари.

Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича ҳудудларда чора-тадбирларни амалга оширишга кенг имкониятлар яратди.

«Ўзмилийбанк»нинг Фаргона вилояти бўлими ва унинг филиаллари томонидан ҳам жорий йилнинг тўққиз ойи давомида ушбу мақсадларга кичик бизнес субъектлари учун 18 186,4 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилган бўлиб, бу ўтган йил шу даврига нисбатан 2,2 баробар кўп демакдир. Булар асосан инвестиция мақсадлари ва айланма капитални тўлдирши, фермер хўжаликлари ва яқна тартибдаги тадбиркорларни ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга ту-


шириш, фаолият юритаётганларини эса кенгайтиришга йўналтирилди. Энг муҳими, кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳисобига 487 та янги ишчи ўринлари яратилди. — Мамлакатимизда иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ўсишининг макроиктисодий мутаносиблиги ва барқарор сурьатларини, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъмин-

лаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлаш борасида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилаётир, — дейди Фаргона вилоят Марказий банк бошқармаси бўлими бошлиғи Музаффар Юлдошев. — Жумладан, биргина ушбу банкнинг бўлим ва филиаллари Президентимизнинг «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чоралар амалга оширишга»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида субъектларга 4 671,9 миллион сўм кредит маблағларини ажратди. Масалан, «Чинобод Парранда» хусусий корхонасида паррандачиликни ривожлантириш мақсадида ажратилган 200 миллион сўм миқдордаги кредит ҳисобига 8 та янги ишчи ўрни яратилиб, аҳолининг туҳум ва гўшт маҳсулотларига бўлган талаби янада кенгрок қондирилишига эришилди. Вилоятга инвестицияларни

кенгрок жалб қилиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳаллий хомашёдан экспортбон ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ва шу орқали янги ишчи ўринлари яратиш учун Хитой Тараққийёт банкнинг кредит линияси жалб қилиниб, ушбу шартлар асосида инвестицион лойиҳалар молиялаштирилди. Натижада «Ўзмилийбанк»нинг Фаргона бўлими мижози «Кўкюн пойабзали» МЧЖга Хитой Тараққийёт банкнинг кредит линияси орқали 272 минг АҚШ доллари миқдорда кредит маблағлари йўналтирилди. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш мақсадида кам таъминланган оилаларга «Ўзмилийбанк»нинг Фаргона бўлими ҳамда филиаллари томонидан 625,1 миллион сўм кредитлар ажратилиб, унинг ҳисобига 100 дан ортиқ кам таъминланган оилалар аъзолари иш билан таъминланди.

Кулайликдан баҳраманд бўлинг

Президентимизнинг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, аҳоли ва хўжалик субъектлари томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида «Ипотека-банк» АТИБ Фаргона вилоят филиали томонидан жами 34,8 мингдан ортиқ, жорий йил 9 ойи доирисида эса 5,1 минг донадан кўп пластик карточкалар муомалага чиқарилди. Йил давомида ойлик иш ҳақи лойиҳаси доирасидаги корхона ва ташкилотлар томонидан пластик карточкалар ҳисоб рақамига 27,7 миллиард сўм маблағ ўтказилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан эса 4,3 миллиард сўм маблағ ошишига эришилди.



мақсадида виллоятда ягона умумреспублика процессинг марказининг филиали ташкил этилган бўлиб, ушбу марказ тижорат банкларига мунтазам равишда ўз хизматларини кўрсатиб келмоқда, — дейди банк бошқарувчиси Акмалжон Мўминов. — Жорий йилнинг 9 ойи давомида «Ипотека-банк» АТИБ Фаргона вилоят филиали томонидан берилган тўлов терминали орқали ўтказилган транзакциялар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 фоизга ошди ёки салкам 26,1 миллиард сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш мақсадида «Кичик бизнес ва хусу-

сий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониди белгиланганидек, хўжалик субъектлари томонидан савдо ва сервис соҳасида харид қилинадиган товар (иш, хизмат)лар учун корпоратив пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга оширишда тўлов терминаллари чекларини бирлаштириш бўйича аниқ кўрсатма берилди. Кичик бизнес субъектларининг юридик мақомидан келиб чиққан ҳолда, тижорат банклари томонидан уларга тегишли Низомларга мувофиқ, очиб берилган банк корпоратив карточкаларидан мижозлар айни пайтда фойдаланиб келмоқдалар. Кўриниб турибдики, банк пластик карточкаларидан фойдаланиш хар жиҳатдан қулай ва ишончли тўлов воситасига айланиб бормоқда.

«Ханободтаъминотсавдо» масъулияти чекланган жамиятнинг улғуржи универсал савдо базаси эришаётган ютуқларда энг аввало, унда фаолият юритаётган кадрларнинг билими, тажрибаси, салоҳияти катта роль ўйнамоқда. Шаҳар аҳолисининг кундалик харид эҳтиёжларини тўла-тўқис қондиришда ва уларга маҳсулотларни вақтида, сифатли етказиб беришда жамият раиси Абдурасул Абдуқаюмов, таъсисчи Мирфозил Қўлдошев сингари ўнлаб ходимларнинг ҳиссаси катта. 2008 йилда ташкил топган корхона дастлаб 38 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 447 мингга етди...

Таъминот — тўкин турмуш тарзига қанот

Реклама ўрнида

Фулом ХИДИРОВ, «Adolat» мухбири.



Эътиборли жиҳати, жамият экспорт билан ҳам шуғулланаёпти. Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги шарафига база ходимлари томонидан 1 миллион 528 минг АҚШ долларига тенг миқдорда маҳсулот экспорт қилиниши таъминланди... Бир сўз билан айтганда, улғуржи универсал савдо базаси туман иқтисодиётида нуфузли ўрин тутади...

нинг малакали битирувчиларини танлов асосида ишга жалб қила бошладик, — дейди жамиятнинг 46 йиллик меҳнат стажига эга сардорларидан бири Мирфозил Қўлдошев. — Улар ишни ҳозирдан пухта ўрганиб борсалар, замонавий технологиялар билан ишлашда ортиқча қийналиб юрмайдилар.

— Ҳокимлик билан бамаслаҳат 10 миллион сўмлик хомийлик ёрдами кўрсатдик — давом этди суҳбатдошимиз. — Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида эса бу кўрсаткич анча орқанда қолди. Демак, йил охирида даромад ва буромадларимизга кўра сумма рақами яна ҳам кўтарилди... Ана шулар ҳисобига яқинда 2 та «ISUZU» маркали транспорт воситаси харид қилдик. Мақсадимиз — халқимиз, Ватанимиз равнақи йўлида республикамиз халқ хўжалигининг турли жабҳаларида тер тўкаётган ханободликлар турмуш тарзини кун сайин тўкин-сочин бўлишига баҳоликудрат ҳисса қўшиш ва эл-юрт дуосини олиш. Чунки эл-улус турмуш тарзининг тўкин-сочин бўлишида савдо хизмати ходимларининг ҳам алоҳида ўрни бор.



Дарвоқе, бугунги кунда 20 та дўконига эга «Ханободтаъминотсавдо» МЧЖнинг мазкур улғуржи универсал савдо базаси эл-юрт таъминоти йўлида ибратли фаолият юритмоқда. «Элга хизмат — олий ҳиммат» эканлигини чуқур англаган база жамоаси яқин йиллар ичида маҳсулотларнинг сифатли сақланиши учун 1000 тонналик сизимга эга замонавий музлатгич (со-вуггич) иншооти қуришни режалаштирган. Ушанда савдосотик хизматига ихтисослаш-

Сўнгги саҳифа


Гулларга бурканган шаҳрим

Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Ер юзининг сайқали дея тариф берилган Самарқанд ўзининг бетақдор обидалари, ривожланган санат ва коммуникация тармоқлари, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмалар, бой меҳнат ресурслари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутди. Истиқлол йилларида Мухтарам Юртбошимиз раҳнамолигида республикамизнинг барча жабҳаларида бўлгани каби бүгун Самарқанд шаҳри ҳам янги тароват касб этди...

Самарқанд вилоят Ўлкашунослик музейида Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят Кенгаши, Самарқанд давлат музей кўриқхонаси, Самарқанд тинчлик ва бирдамлик жамоатчилиги музейи, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида 18 октябрь — "Самарқанд шаҳри куни"га бағишланган ташкил этилган "Гуллар, азиз Самарқандим" мавзусидаги гуллар байрамида кўҳна ва боқий шаҳар янада чирой очди. Гулшунослар, педагог-мутахассислар, талаба ва ўқувчи-ёшлар, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда олиб борилаётган ободонлаштириш, барча соҳалардаги кенг ислохотлар, ёшларга яратиб берилаётган чексиз имкониятлар хусусида атрофчилик фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

ламзорлаштириш ишларига масъулият билан ёндашиш, ёш авлод онгида экологик маданиятни шакллантириш, эстетик дунёқарашини ошириш, табиатга меҳр-муҳаббат руҳида камол топтиришда шу каби тадбирларнинг аҳамияти юқори эканлигини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Истиқлол берган неъматларни асраб-авайлаш, уларни ёшлар онига синдириш барчамизнинг бирдек бурчимиздир. Қолаверса, атроф-муҳитни ободонлаштириш ва кўкамзорлаштириш, шунингдек, экологик муҳит яхшилашни борасидаги ишларни қўллаб-қувватлаш масаласига партия дастурида кенг ўрин берилган. Шу нуқтаи назардан айтганда бу каби хайрли ишларни партиямиз ўзининг бурчи деб билади.



зиб, қатнашчилар эътиборига ҳавола қилишди. — Она-табиатга чексиз меҳрим, гулларни севганим боис, гўзаллик рамзи бўлмиш гулларни етиштириш, парвариш қилиш ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланган, — дейди гулчи Абдулхофиз бобо Отақулов. — Шу сабабми, 35-40 йилдан буён гулчилик билан шуғулланиб келаман. Бугунги гуллар байрами кўргазмасида қирққа яқин навадаги ўзим етиштирган гуллар билан иштирок этаман. Бу ёшларнинг она Ватанга бўлган меҳрини оширишга хизмат қилади, албатта.

буюмлардан ясаган бир-биридан чиройли, бежирим гуллар ва гулдасталарини тақдим этишади. Ушбу гуллар байрамига ўқувчилари мизнинг ижоди намуналарини олиб келдик. Байрам тадбири доирасида "Мустақиллик", "Севимли шаҳримга ҳада", "Табиат гаройиботлари", "Камалак жилоси", "Гуллар ҳақида нималарни биласиз?" каби ўндан ортиқ номинациялар бўйича кўрик-танлов, ракс ва викториналар ҳам ташкил этилди. Танлов ғолибларига ташкилотчиларнинг кимматбахо совгалари ва дипломлари топширилди. Тадбир сўнггида ўтказилган "Гўзалликни ҳада эт!" акциясида гулчилар жисмоний имконияти чекланган болаларга, ёлғиз кексаларга гуллар ҳада этишди.

"Насаф" ОФК кубоги финалини Қаршида, Ўзбекистон кубоги финалини Тошкентда ўтказди!

Футбол

Илс ШЕРМУРОД тайёрлади.

18 октябрь куни Уммондаги "Қирол Абдулла" халқаро стадионида ОФК кубоги ярим финалининг жавоб учрашуви ўтказилди. Ўз уйида бўлиб ўтган ярим финалнинг дастлабки турида "Ал-Вихдат" клубини 1:0 ҳисобида мағлуб этган Қаршининг "Насаф" жамоаси меҳмонда ҳам ишончли ўйин намойиш этди. Тезкор гол уриши мақсад қилган Мухаммад Қвид шоғирдлари ўйин бошидан оқ ҳужумга отланишди. Аммо қаршиликлар ҳам ҳужумларда яхши имкониятларни ҳосил қилишди.

Хужумкор руҳда давом этаётган биринчи бўлим бошларида ҳакам Насаф дарвозаси кўйишмади ва тартибли ўйин томон жарима тўпи белгилади. 22 метрлардан белгиланган жарима зарбасини ажойиб тарзда дарвоза тўрига йўлаган Абдулла Дийб икки ўйин натижасига кўра мувозанатни тиклади. Ўтказиб юборилган

голга қарамай "Насаф" футболчилари ўзларини йўқотиб қўйишмади ва тартибли ўйин намойиш этиб, майдондаги ус-тунлиқни ўз қўлларидан ушлаб туришди ва қанотлардан кетма-кет ҳужумлар уюштиришди. Биринчи бўлим якунига қадар Лутфулла Тўраев ва Жаҳонгир Жиямуродовларда гол кири-

тиш учун қулай имкониятлар бўлди, бироқ уларнинг зарбасига аниқлик етишмади.

Иккинчи бўлимнинг 62-дақиқасида "Насаф" вакиллари амалда ОФК кубогининг финал йўлланмасини берган голни киритишга муваффақ бўлишди. Андрей Переплёткиннинг ўнг қанотдан узатган тўпини Иван Бошквич бош билан дарвозага йўллади ва ОФК кубоги баҳслари доирасида ўнинчи голини киритиб, ўйин тақдирини ҳал этди.

Бу голдан сўнг иорданияликларга финалга чиқиш учун камидан 2 та тўп уриш керак эди. Бу "Ал-Вихдат" футболчиларига руҳан салбий таъсир этган бўлса, Демьяненко шоғирдлари голдан руҳланиб янада хавфли ҳужумларни уюштиришди. Бироқ ҳисоб ўйин охирига қадар сақланиб қолди ва "Насаф" икки ўйин натижасига кўра финалга йўлланма олди. Бу ўзбек футбол тарихида янги саҳифа бўлди. Яна қувонарлиси, "Насаф" ОФК кубоги низомига кўра финал учрашувини ўз уйида ўтказадиган бўлди. Шундай қилиб финал 29 октябрь куни Қарши шаҳрида ўтди. "Насаф"нинг рақиби — "Қувайт" СК (Қувайт).

Тошкентдаги Пахтакор стадионида ўтказилган Ўзбекистон кубоги ярим финалининг жавоб учрашуви ҳам амалда Насафнинг ушбу мусобақадagi рақибини ва финал учрашувининг ўтказилиш жойини аниқлаб берди. Фузурда бўлиб ўтган дастлабки учрашувда 1:1 ҳисоби қайд этилган "Пахтакор" ва "Шўртан" жамоаларининг жавоб ўйинида ҳисоб очилмади. Ушбу натижага кўра "Пахтакор" Ўзбекистон кубоги финалида "Насаф" жамоасини ўз шаҳрида қабул қиладиган бўлди. Мазкур ўйин номаълум муддатга қолдирилди.

Шундай қилиб "Насаф" ОФК кубоги финалида омадини ўз уйида, Ўзбекистон кубоги финалида эса Тошкентда синаб кўрадиган бўлди.



Ҳайдовчилик — хайрли, фахрли касб

Реклама ўрнида

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ.

Инсоннинг эл орасида обрў топиши унинг меҳнатсевар, яхши хулқ-одобли, камтар, ўзгаларга ҳурмат-эътиборда бўлиши билан ҳам боғлиқдир.

Бойсунда қайси автомобиль ҳайдовчисидан устози ҳақида гап очманг Жалолиддин Рухиддиновнинг номини эъзоз билан тилга олишади. Бунинг боиси бор, албатта. Унинг меҳнат фаолиятининг 26 йили туман мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотидан ўтди. Айни пайтда шу ташкилот ўқув-спорт клубининг директори лаозимиде ишлаб келмоқда.

Кўча-кўйда ўзгалар юкани энгил қилаётган шоғирдларимга кўзим тушса дилим қувнади, — дейди Жалол Рухиддинов. — Ахир элга камарбаста бўлиш, дуосини олишдан ортиқроқ бахт

борми? Бевосита иш фаолиятимизга тўхталадиган бўлсам, ўтган ўқув йилида режани 164 фоизга уддаладик. Натижада ўқув масканидан "В" ва "ВС" тоифада 328 нафар киши учирма бўлди. Жорий йилда ҳозирга қадар 240 нафар ўқувчига мазкур тоифаларда ҳайдовчилик гувоҳномаси берилди.

Жамоада устоз ва шоғирд аъёнасига қатъий амал қилинади. "Йўл ҳаракати қоидалари" машғулотири тегишли малакага эга ўқитувчилар томонидан олиб борилапти. Худойберди Нормуродов, Даврон Рухиддинов, Саъдулло Шоймардонов, Фазлиддин Саидов каби ўқитувчилар техника, ҳайдовчилик сир-асрорлари борасида пухта назарий билим беришаётган бўлса, Камол Раҳимов, Баҳриддин Усмонов сингари ўргатувчи усталар амалий машғулотларда ўқувчилардан бор билим ва тажрибаларини аямаянтдилар.

Ўқув-спорт клубида 4 та спорт секцияси мавжуд бўлиб, милтиқдан ўқ отиш, ракета модели, авиамодель, лайлак ва варрак ўйинлари ташкил қилинган.

— Ўқув муассасамизда назарий ва амалий билим олиш учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, ҳаракат хавфсизлиги синфлари, бурчаклари, автомайдончаларда машғулотлар ўтказиш етарли даражада ташкил этилган, — дейди Жалолиддин Рухиддинов. — Мисол учун 5 та енгил ва 3 та оғир юк кўтарувчи автомобиллар амалий машғулотларга сафарбар этилган. Барча синфхона замонавий ўқув куроллари ва маънавият хоналари билан таъминланган. Ўқувчилар компьютер хизматидан фойдаланишади.

Мижозлар кўпайиши ҳисобига пул тушумлари ҳам ортмоқда. Фойдадан тушган соф тушум моддий техник базани кенгайтириш, ўқитувчиларни ижтимоий Ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Хулоса қилиб айтганда, автомобиль хавф-хатарсиз бошқариш учун профессионал ҳайдовчилар зарурлиги — турмуш тақозоси. Бу ўз навбатида ҳайдовчилар тайёрловчи ўқув муассасалари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди.

"Мактаблар: келажак ҳамкорлари"

Таълим

Давур ЖОЗИЛОВ.

Мамлакатнинг эртанги куни, юртнинг истиқболи, унинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни ва мавқеи кўп жиҳатдан ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларга яратилаётган шарт-шароитларга, йигит-қизларимизнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб етишишларига боғлиқ. Шу маънода ёшлар масаласи юртимизда умумдавлат сийосати даражасига кўтарилгани бежиз эмас, албатта. 20 йил олдин юртимиз ёшлари ҳозир талабалар учун яратилган шарт-шароитларни фақат орзу қилиши мумкин эди. Ҳозирги кунда фарзандларимизнинг Европа, АҚШ, Хитой, Россия, Япония, Жанубий Корея ёки Малайзия каби давлатларда таълим олиши табиий ҳолга айланди. Энг муҳими, бугунги ёшларимиз бирор-бир соҳада хорчилик тенгдошларидан қолишмайди, аксинча, илмга чанқоқлиги, қобилияти, истеъдоди, ақлий салоҳияти билан чет эллик мутахассисларни ҳайратга солмоқда. Бу билан улар мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш борасида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалий натижаларини яна бир бор намоён этмоқдалар.



лим тенденциялари намойиш этилди. Лицейдаги немис тили хонасида таълим учун барча шароитлар мавжуд. Германиянинг 4 та наشريёти томонидан чоп этилган дарслик ва луғатлар ўқувчилар ихтиёрида. Интерактив доска орқали китобдаги маълумотларни экранга чиқариш, сенсор воситасида бевосита экранда дастурни бошқариш, фонетик, грамматик машқларни мультимедиа ёрдамида бажариш мумкин. Талабаларга сунъий йўлдошга уланган телевизор орқали немис тилидаги ахборот каналлари намойиш этилаётгани ҳам уларнинг тил ўрганиш тажрибасини оширишга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш кераки, "Мактаблар: келажак ҳамкорлари" та-

шаббусида иштирок этаётган бу ва бошқа лицейларнинг ўқитувчи ҳамда билимдон ўқувчилари ҳар йили Германияда мамлакатимизда немис тили чет тили сифатида ўқитиладиган 2300 та мактаб мавжуд бўлиб, уларда 600000 га яқин ўқувчи немис тилини ўрганади. Тошкентдаги Гёте институти томонидан ташкиллаштирилган немис тили курсларида ҳар йили 3000 га яқин қизикувчи иштирок этади. Мамлакатимиздаги 64 та университетнинг деярли барчасида эса немис тилини ўрганиш мумкин.

Германия элчихонаси томонидан "Ўзбекистонда немис тилининг тарғиботи" мавзусидаги журналистлар учун уюштирилган экскурсия давомида бунга яна бир бор амин бўлдим. Тошкентдаги Турин политехника университетининг мажлис залидан Германия академик алмашинув хизмати (ДААД) томонидан ташкил этилган ёзги тил курси иштирокчиларига дипломлар тақдироти маросимида ёш йигит-қизларнинг немис тилида бемалол сўзлаша олиши германиялик ўқитувчиларнинг эътирофига сазовор бўлганлари қувонарлидир. Ушбу курсга республикамизнинг ҳар бир вилоятидаги олий ўқув муассасаларида 2-4 нафардан талабалар қабул қилинган. Иштинроқ этувчилар орасида асосий мутахассислиги немис тили бўлмаган талабалар ҳам мавжуд.

Ваколатли орган томонидан "TEXRON SAVDO" масъулияти чекланган жамиятига берилган №001794 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ADOLAT ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийсий Кенгаши

Ташкир хайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Исмомил САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Савлаана ОРТИКОВА, Нибол МИРЗО, Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ХАЙДАРОВ, Талат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2093-5237

407720915210091

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г—1000. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 3734. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 00.00

1 2 3 4 5

Ташкир манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. adolat_gazeta@mail.ru